• *Таҳлил, мулоҳаза, муаммо*

***«ЎЗИНИНГ келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур, — деди республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида. — Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилинмоғи шарт. Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлигининг пойдеворидир». Шундай экан, ҳозирги ислоҳотлар шароитида агросаноатни бошқаришни ҳар томонлама такомиллаштиришга кўмак берувчи мутахассис олимларимизнинг бу борадаги таклифлари, фикр ва мулоҳазаларини тинглаш, улардан амалда фойдаланиш истиқлолга фидойилик билан хизмат қилиш демакдир.***

# «БИЗНИКИ» ЎРНИГА «МЕНИКИ» ШАКЛИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТИКЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ

**Бу осон ва тез кечадиган жараён эмас, албатта**

«БОЛА йиқилиб-йиқилиб юришни ўрганади» деган ибора бор. Бозор иқтисодиёти шароитида аста одимлаётган мамлакатимизда ҳозирги иқтисодий барқарорликни ана шунга қиёслаш мумкин. Бозор иқтисодиёти ва унинг барча инжиқликлари — бизнинг иқтисодиётимиз, турмуш тарзимиз, географик жойлашишимиз ва жамиятимиз аъзолари онгида қарийиб 70 йил давомида шаклланган ишлаб чиқариш муносабатларини ҳисобга олиб, тараққий этган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибалари, мутахассис олимларимиз мулоҳаза ва таклифлари асосида ҳозирги давр ва шароитга монанд ўз мукаммал дастуримизни яратишимиз лозимдир. Республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшаши ва деҳқончилик билан бандлиги, энг аввало, бу соҳада чуқур илмий ва амалий тажрибага асосланиш зарурлигини кўрсатади. Агар жумҳуриятимиз бюджетининг салмоқли қисмини қишлоқ хўжалиги ва унинг хом ашёни қайта ишлаш корхоналари ташкил қилишини эътиборга олсак, иқтисодиётнинг янги тизими шароитида ҳам бу соҳа давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда таянч нуқта бўлмоғи аниқ.

Демократияга асосланган, бир-бирига иқтисодий боғлиқ илмий-тадқиқот институтлари, корхоналар, ташкилотлар, шахсий хўжаликлар, фермерлар, ҳиссадорлар ва бошқа ишлаб чиқариш бўғинлари жамоаларининг ўзаро муносабатларини ва вазифаларини аниқлаб, иқтисодий ва юридик ҳимоялаш тизимини яратиб бермас эканмиз, бу соҳада катта муваффақиятга эришиш мушкулдир. Қарийб 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнида мажбурий равишда деҳқон ва зиёлилар онгига сингдирилган жамоа мулкчилик муносабатлари компьютер хотирасига жойланган матн эмаски, мурувватни бураб, ўчириб юбориб, янги ишлаб чиқариш муносабатларини ёзиб қўйсак. Шу боис деҳқончиликни ривожлантириш ва деҳқонлар турмуш даражасини кўтариш учун улар онгидаги мулкчиликнинг «бизники» ўрнига «меники» шаклидаги ишлаб чиқариш муносабатларини тиклаш лозимдир. Бу осон ва тез кечадиган жараён эмас, албатта.

Агар одам бажармоқчи ёки бажараётган иши натижасидан жамиятга ва ўзига тегадиган маънавий ва моддий нафни тўла тушуниб етмас экан, ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларига мос келмай, тараққиётга тўсқинлик қилади. Аксинча, одам ана шу нафни тўла тасаввур этиб, қониқиш ҳосил қилса, меҳнаткашлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир-бирига ҳурмат ва ўзаро ёрдам кўрсатиш принципи асосида содир бўлиб, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига олиб келади. Бундай муносабатлар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва вазифалари тўла рўёбга чиққан тақдирдагина амалга ошади.

Энди деҳқончиликни янги шароитда ривожлантириш вазифалари ҳусусида тўхталамиз.

БИРИНЧИДАН. Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарида бозор иқтисодиётининг тадбиқ этилишини назорат қилувчи ҳамда жойларда иқтисодий, юридик ва молиявий ёрдам кўрсатувчи қишлоқ хўжалик хом ашёларини қайта ишлаш корхоналари мутахассис олимлари, иқтисодчилари ва ҳуқуқшуносларидан иборат давлат тассарруфидаги доимий ишловчи идорани ташкил этиш зарурдир.

ИККИНЧИДАН. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган вилоят, туман ҳокимларининг; айтайлик, ҳар 3 йилдаги фаолиятлари натижалари, бозор иқтисодиёти ҳақидаги тушунчалари ва дунёқарашларини имтиҳондан ўтказиб бориш, зарурат сезилса, айримларини илмий-тадқиқот институтларидан, жамоат ташкилотларидан истеъдодли мутахассис олимлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ кўринади.

УЧИНЧИДАН. Жумҳурият қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш корхоналарининг бозор иқтисодиётига ўтишини назорат қилиш ва зарур бўлганда амалий ёрдам берувчи идора тавсиясига асосан лозим топилган вилоятларда унумдорлиги ва географик жойлашиши, қайта ишлаш корхоналарининг техник қуролланиш даражаси ва иқтисодий аҳволини назарга олиб, ерларни кимошди савдоси орқали сотиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз. Ер сотиб олувчи шахс республиканинг туб аҳолиси вакили бўлмоғи шарт. Бошқа вилоятларда эса, тавсияга кўра ерни ишлашда ва эгалик қилишда ижара, ҳиссадорлик, фермер ва бошқа иқтисодий усуллардан фойдаланиш лозим.

Ер эгалари ва қайта ишлаш корхоналарига, у қандай мулк шаклида бўлишидан қатъий назар, давлат томонидан шундай шарт қўйилмоғи лозим: давлат шартномаси билан экилган майдонда уч йил давомида ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати тумандаги ўртача даражадан кам бўлмаслиги керак. Қайта ишлаш корхоналарининг эса кейинги уч йилдаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Тумандаги ўртача ҳосилдорликка ва сифат кўрсаткичига эришолмаган ва ундан оширолмаган ер эгасидан (унинг қандай мулк шаклига эгалигидан қатъий назар) ер тортиб олинмоғи ва бошқа талабгорга берилмоғи лозим. Бу корхонага ҳам таалluқли. Агар корхона давлат тасарруфида бўлса, раҳбарни алмаштирмоқ лозим бўлади.

ТЎРТИНЧИДАН. Ҳар бир вилоят ва туманда деҳқонларга, қайта ишлаш корхоналарига, ишлаб чиқаришдаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, техника, уруғ, маданий ва минерал ўғитлар, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари, эҳтиёт қисмлар, сувдан ва керакли хом ашёлардан амалий ёрдам берадиган хўжалик ҳисобидаги «Техника ва таъминот» давлат ташкилотларини тузиш, уларнинг жойлардаги бўлинмаларини деҳқонларга бирмунча яқин жойлаштириш лозим. Бу ташкилот деҳқонларни уруғ ва бошқа керакли ашёлар билан таъминлашдан ташқари шартнома асосида экинларга ишлов бериш, йиғиб-териб топширишда уларга амалий ёрдамчи бўлмоғи шарт.

Бу ташкилотнинг яна бир муҳим вазифаси экиладиган экинларнинг 60 фоизи юзасидан йил бошида шартнома тузиш, етилаётган ҳосилга қараб йил давомида аванс бериб бориш ва ҳосилни келишилган жаҳон нархидан кам бўлмаган нархда сотиб олишдир. Агар деҳқонга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳосил нобуд бўлса, ташкилот деҳқонга шартнома асосида келишилган нархда ва миқдорда пул тўламоғи лозим, бу деҳқонларни ноўрин инқирозга учрашдан сақлаб қолади. Бу ташкилот эса тайёрланган хом ашёсини ўз корхоналарида қайта ишлаш ёки хом ашё холида сотиш фойдалироқ бўлса, шартномалар асосида эркин ҳолда савдога чиқариши мумкин.

Бу ташкилот (мулк шаклидан қатъий назар) хўжаликлар сони, экилаётган экинлар тури, шартномадаги ҳосилдорлик бўйича юқори органларга маълумот бериши, уларнинг географик жойлашиши ва ривожланишини компьютер орқали назорат қилмоғи лозим. Бозор муносабатлари шароитида энг зарур иқтисодий мурувватлардан бири ҳар соҳа учун керакли ахборотни тез етказиш ҳамда етиштирилган хом ашё ва маҳсулотларни реклама қилишдир. Шунинг учун бу ташкилотларда ахборот бўлимини ташкил этиб, унинг зиммасига агросаноат ходимларига бу соҳада дунёда эришилаётган ютуқ ва янгиликларни, нархларни, табиатни муҳофаза қилиш, ердан унумли фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид агросаноат янгиликларини етказиб туриш, ҳосилдорликни оширишга, сифатни яхшилашга, бирон янги экин нави яратишга ёки техникани такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни оммалаштириш ва тақдирлаш ишлари юклатилмоғи лозим.

БЕШИНЧИДАН. Қишлоқда ишлаб чиқаришни ташкил этаётган ишбилармонларга, хизмат кўрсатиш уюшмаларига ҳар томонлама иқтисодий ва техникавий, юридик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишлаб чиқаришдан олаётган фойдаларидан камида уч йил солиқ олмаслик лозим. Қишлоқ ишбилармонлари ва барча қизиқувчилар орасида бозор иқтисодиёти ва мулкчилик формалари, ишбилармонлик сирлари ҳақидаги кинофильмлар намойиш этиладиган лекция ва суҳбатлар уюштириш керак.

Деҳқонларни ортиқча ташвишлардан қутқариш учун давлат маҳаллалардаги ишбилармонларга ортиқча мева ва сабзавотларни, чорва маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш, агар фойдали бўлса, хом ашё сифатида сотишга кўмаклашиб, қўллаб-қувватламоғи, иқтисодий ёрдам кўрсатмоғи ва юридик жиҳатдан ҳимояламоғи керак. Чунки, қишлоқ меҳнаткашлари орасидан чиққан бундай ишбилармонлар давлат тайёрловчиларига рақобатчи бўлиб, деҳқонлар улардан қайси бири тез ва кўп пул тўласа, маҳсулотини ўшанга сотиш имкониятига эга бўладилар, демак уларнинг моддий манфаатдорлиги ошиши билан бирга қимматли вақтлари ҳам тежалади.

ОЛТИНЧИДАН. Ҳар бир соҳанинг келажаги шу соҳа олимларига, мутахассисларга ва маориф ходимларига бериладиган эътибор билан ўлчанади. Республикамиз иқтисодиёти асосида агросаноат ётар экан, демак бу соҳада ишлаётган ҳар бир мутахассис ва ўқитувчи (бюджет ҳисобидан) бир қанча енгилликларга эга бўлмоғи лозим. Қишлоқларни газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш, алоқа тармоғи ва шахсий уй-жой қурилишига кўрсатиладиган барча енгилликлар давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобига бажарилиши керак. Деҳқонларга, қишлоқ зиёлиларига керакли шароитни яратиш агросаноат иқтисодиётининг келажакдаги равнақи, пойдеворидир.

Мактабларда 1-синфдан бошлаб дин тарихи ва одобномага оид дарсликлар ўқув дастурларида етарли бўлмоғи лозом. 4-синфдан бошлаб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига қараб, табақалаштирган ҳолда ўқитиш, 10-синфни аъло ва яхши баҳоларга битирган болаларда деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқларда жойлашган қайта ишлаш корхоналари ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш, ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг қишлоқ шароитида керакли бир ёки икки касбни мукаммал эгаллашига эришмоқ лозим...

ЕТТИНЧИДАН. Чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар маълум муддатга тузилмоғи, шу муддат тугагандан кейин корхона туман ихтиёрида қолиши шартномада белгиланиб қўйилиш шарт. Чунки, бу борада асосан, халқимизнинг ватанпарварлик ва ижодий бунёдкорлик салоҳиятига таяниб иш тутган маъқул. Ишлаб чиқариш манбаларидан тўлароқ фойдаланишга, бошқаришда ижтимоий ва психологик усулни қўллашимизга тўғри келади. Табиий бойликлари, ишлаб чиқариш кучлари етарли ва барча иқтисодий қулайликларга эга бўлган бу заминда ишонч ва ҳалолликка асосланган бошқариш усулигина жумҳуриятни тез орада буюк давлатга айлантиради.

САККИЗИНЧИДАН. Қишлоқларда ижтимоий фойдали меҳнатга яроқли ишсизлар (айниқса ёшлар) ни қисқа муддатли тайёргарликдан ўтказиб, тараққий этган мамлакатларга ишга юбориш лозим. Улар 2-3 йил ичида рўзғорларини анча тиклаб олиш билан бирга, мамлакатимиз учун ғоят зарур бўлган касблар эгаси бўлиб, онгларида янгича ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб қайтадилар. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида орттирган малакалари билан мамлакат халқ хўжалигида бозор муносабатларининг тезроқ қарор топишига хизмат қиладилар.

Юқорида баён этилган мулоҳаза ва таклифлар республикамиз раҳбарларининг шу соҳага оид нутқларига таянган ҳолда мутахассис олимлар, кекса деҳқонлар, қишлоқ ишбилармонлари билан суҳбатлашиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш жараёнида юзага келди. Уларни ҳар бир хўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари ўз шароитидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга зиён етказилмайдиган тарзда қўлламоғи мумкин. Чунки, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шарт деб, яхши ишлаётган, иқтисодий мустаҳкам хўжаликларни тарқатиб юбориш коллективлаштириш даврига хос мажбурий нарса эди. Умуман, халқ хўжалигидаги ҳар бир иқтисодий ўзгариш давр эҳтиёжидан келиб чиқмоғи лозим. Эҳтиёж пойдеворига қурилган усулнинггина келажаги бор. Зеро, бозор иқтисодиёти жамият аъзоларининг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари орқали юзага келадиган ишлаб чиқариш тизимидир.

Жамият аъзолари эҳтиёжларини давлат томонидан таъминлашга қаратилган социалистик тизим инсонлар тафаккурининг бир хил эмаслиги ва ниҳоят, ишлаб чиқарувчи асосий кучлар тасарруфида боқимандалик кайфиятининг ўсиб бориши бу тизимнинг етарли ишланмаганлигини кўрсатди.

**Абдусалом ТУРСУНОВ,**
**«Сардоба» ассоциацияси раиси.**

# ОЛАМДА НИМА ГАП

## БАЛИҚ ОВЛАШ МАВСУМИ

***Охота денгизида балиқ овлаш мавсуми бошланди. Мавсумда Россия Федерацияси, ХХР, Польша ва Корея Республикаси денгиз флотларига қарашли 300 дан ортиқ кема қатнашмоқда.***

Россия балиқчилари кунига 15 тонна балиқ тутаётирлар. Хитой ва Польша балиқчилари бетараф ҳудудларда, кореяликлар эса рухсатнома билан Россия ҳудудида ов қилмоқда.

## ХАЗИНАГА ВАЛЮТА ОҚИБ ТУШАРКАН

***Тожикистон Республикаси шаҳарларида 17 февраль кунидан бошлаб валюта алмашув бўлимлари иш бошлади.***

Ушбу тадбир ҳукуматнинг мамлакат пул-кредит тизимида ислоҳот ўтказиш дастурига кўра амалга оширилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, алмашув бўлимлари давлат хазинасига валюта оқиб келиши учун хизмат қилади.

## АШАДДИЙСИ — ҚИРҚ ЕТТИ МИНГ

***Украина Ички ишлар вазирлигининг баёнот беришича, мамлакатда наркотик моддалар истеъмол қилиш учун рухсат олган ва махсус рўйхатда турадиган 47 минг ашаддий гиёҳванд бор экан.***

Шу соҳа мутахассислари журналистлар билан бўлган учрашувда гиёҳвандларнинг умумий сони 400 мингдан ортиқлигини маълум қилдилар.

## МАБЛАҒ КАМЛИГИ САБАБ...

***Россия Федерацияси таркибидаги Коми Республикасининг Усинк шаҳри яқинидаги нефть қувурларини созлаш ишлари маблағ камлиги туфайли тўхтаб қолиш арафасида.***

Ўтган йилнинг кузида қувурларнинг ёрилиб кетиши натижасида 14 тонна нефть оқиб кетди ва 60 гектар ерни қорамойга булғади. 20 йилдан буён ишлатиб келинаётган эски қувурларни алмаштириш ишлари эса суст кетмоқда.

## ЭСТАФЕТА ТОЖИКИСТОНДАН БОШЛАНАДИ

***Шу йилнинг 23 февраль куни Тожикистон Республикасида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ҳамдўстлик мамлакатлари ташқи чегаралари бўйлаб эстафета бошланади.***

У МДҲ чегара қўшинлари фахрийлар кенгаши ва Россия Федерацияси «Маданият» ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилмоқда. Эстафета Шаҳритуз ва Саратош йўналишларида бошланиб, 26 февраль куни Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудининг ташқи чегаралари бўйлаб давом этади. Эстафета қатнашчилари таркибида фахрий чегарачилар, оддий жангчилар, зобитлар, жамоатчилик вакиллари, маданият ва санъат ходимлари бор.

## ИМЗО ТЎПЛАШАЯПТИ

***Узоқ Шарқда Чеченистондаги урушни давом эттиришга қарши имзо тўплаш бошланди.***

Тадбир Приморье ўлкасидаги аскар оналари қўмитаси ташаббуси билан бошланди.

Қўмита раиси Елена Федосееванинг маълум қилишича, ҳукумат ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга чақирувчи ҳужжатга жуда кўплаб кишилар имзо чекмоқда.

## АҲОЛИ СОНИ ЎСМОҚДА

***Хитой аҳолиси 1 миллиард 200 миллион нафарга етди.***

ХХРнинг Куньмин шаҳрида демография статистикаси ва таҳлили муаммоларига бағишланган симпозиум иштирокчилари РАТА-ТАСС мухбирига шу ҳақда хабар берди.

## РИНГГА ЧИҚИШ ИШТИЁҚИДА

***Профессионал бокс бўйича собиқ чемпион Майк Тайсон 25 март куни Индианаполис турмасидан озодликка чиқарилади.***

Тайсоннинг ҳомийси Донг Кингнинг айтишича, машҳур боксчи иложи борича тезроқ рингга чиқиш иштиёқида. Япония матбуоти Тайсон озодликка чиқгач, оғир вазнлилар ўртасида жаҳон чемпиони Жорж Форменни курашга чақирмоқчи, деб хабар берди.

## МЎЛЖАЛ ТЎСИН ЭМАСДИ-ЁВ...

***Италиянинг «Милан» футбол жамоаси ўйинчиси Марко Симеони тепган тўплар дарвозага эмас, балки дарвоза тўсинига тегиши бўйича рекорд кўрсаткичга етибди.***

Мамлакат олий лигасида ана шундай ҳодисалар ҳам ҳисоблаб борилмоқда. Ҳозирги ўтказилаётган футбол мавсумида у тепган тўп 15 марта дарвоза тўсинига бориб теккан. Умуман, жамоалар бўйича бундай ҳодисалар 124 марта қайд этилган.

# МУРУВВАТЛИ... ТИЖЖОР

***Сурхондарёнинг Қумқўрғон туманида 2,5 минг нафар ногирон бор. Уларнинг 9 нафари Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда, 3 нафари афғон урушида иштирок этишган.***

Уларнинг нафақаси қанчалик... кўп бўлмасин, барибир мададга, мурувватга муҳтож. Тумандаги «Нурмуҳаммад» деган савдо фирмаси ҳар ойда 50-60 нафар ногиронга бепул совға беради. У ёғ, ун, гуруч, шакардан иборат. Эшдавлат Сафаров бошлиқ бўлган мазкур фирма совғаларни соф фойда ҳисобидан тайёрлашар экан.

Ахборот учун айтайин: Қумқўрғонда зиён кўраётган тижжорлар йўқ. Аммо улар Эшдавлатга ўхшаб соф фойдани «шамолга» совурмайди, балки, майда чайнаб...

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШИФОХОНА ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ

***Касби тумани марказидаги болалар шифохонаси пахса деворлардан тикланган, мослаштирилган эски бинода жойлашганди.***

Туман ҳокимлиги иқтисодий қийинчиликлар, қурилиш ашёларига бўлган танқисликка қарамай, янги болалар шифохонаси барпо этиш имконияти ярата олди.

Янги шифохона биноси ва ёрдамчи қурилишларни 19-қишлоқ қурилиши трестининг қатор қурилиш-тиклаш, пардозлаш ташкилотлари амалга оширди. Бу ерда бир йўла 80 нафар сиҳатталаб болаларни даволаш имкониятлари яратилди.

— Шифохонани қуриш ва ишга тушириш ниҳоятда мураккаб кечди, дейди туман ҳокими муовини Болта Каримов — Тиббиёт жиҳозлари шифохонанинг иссиқлик берадиган қозонхонасини барпо этиш, қувурлар топиб, ўрнатишнинг ўзи бўлгани йўқ. Бунинг учун талай саъй-ҳаракат, маблағ сарфлашга тўғри келди. Болалар учун ҳеч нарса аялмади.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

***Қорақалпоғистоннинг «Жоргиликли саноат» савдо-сотиқ ишлаб чиқариш концерни қошида ташкил этилган «Наурыз» фирмасининг иш бошлаганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлсада, у қисқа вақт ичида иш фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Айни пайтда мазкур фирманинг тикувчилик цехлари Япониядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, унда одеял, кўрпа ва унинг жилдлари, аёллар халати ҳамда болалар буюмлари, юмшоқ нусхадаги ўйинчоқлар тайёрланмоқда.***

***Шунингдек, мазкур фирмада жемфер, бош кийимлар ва гиламлар тайёрлаш режалаштириляпти.***

***СУРАТДА: фирманинг бичув-тикув цехи.***

**А. МУРОДОВ олган сурат.**

• *Қилмиш-қидирмиш*

## ЖИНОЯТЧИЛАР ҚОРА КУРСИДА

***Учқудуқлик Владимир Белозеров ва Денис Кручинин суднинг қора курсисига ўтирди.***

Улар муқаддам бир неча бор судланган В. Маруженков бошчилигида кейинги икки йил мобайнида автомашиналар олиб қочиш ва одамларнинг мулкини ўғирлаш каби 12 та жиноят содир этган.

Уларнинг ҳар бири суд ҳукмига кўра 10 йилдан қамоқ жазосини ўтайдиган бўлди. В. Маруженков эса 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

## ДОИМО ҲУШЁР

***Самарқанднинг Панжикент кўчасида навбатчилик қилаётган милиционер оғир юк кўтариб кетаётган кишига эътиборини қаратди. Чунки, у ўзини бироз ғалати тутар, атрофга аланг-жаланг қараб қўяр эди.***

Сержант унинг ҳужжатини текшириб кўрмоқчи бўлди. Бироқ, милиционер билан «учрашув»ни режалаштирмаган йўловчи юкини ташлаб қочиб қолди, аммо узоққа кетолмади: шошилинч хабарга кўра қидирувга чиққан долзарб гуруҳ уни қўлга олди. У ўша, яқин орадаги магазинга тушган ўғри экан. Жиноятчидан 25 минг сўм пул ҳамда ўғирланган буюмлар тортиб олинди.

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» республика бирлашмаси ходимлари ўтган йили 535 ўғрини жиноят устида қўлга туширди, 450 дан ортиқ қўриқланаётган объект ва фуқароларнинг хонадонини талон-тарождан сақлаб қолди. Бугунги кунда республикада 22 минг хонадон, минглаб ишлаб чиқариш объектлари, савдо ва хизмат соҳаси корхоналари марказлашган тартибда қўриқланмоқда.

**(ЎзА).**

